

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижороси

Ҳозирги кунда Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан **project.gov** тизимда 2 та Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик идоралар билан келишилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга ўзгартириш киритиш ҳақидаги” қарори лойиҳаси бугунги кунда вазирлик идоралар билан келишиш жарёни яқунланиб, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мақсадида Адлия вазирлигига киритилди. **(Чиқиш рақами: 2023 йил 6 февралдаги 01/15-567-сон хат) ID 74171**

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ-244-сон Фармони билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайлик яратиш ҳамда соҳадаги бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси”нинг 16-банди ижроси)*

*Изоҳ: мазкур қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддати 2023 йил 28 февраль.*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чўлланишга қарши курашиш конвенциясининг бажарилишини кўриб чиқиш кўмитаси (KRIK-21) ҳамда юқори даражадаги қум-чанг бўронлари бўйича йиғилишини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигига киритилди. **(Чиқиш рақами: 2023 йил 8 февралдаги 01//13-626-сон хат) ID 71374**

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 августдаги 03/1-1094-сонли топшириғи)*

*Изоҳ: мазкур қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддати 2023 йил 28 февраль.*